Ж. Н. Салахов, А. Ж. Бўрўнбаев,
Ғ. Ф. Фозилов, М. Ж. Салахова

# МУСИҚА

**Тўрт йиллик бошланғич таълим ўзбек мактаблари**
**1 синфи учун дарслик**

**Қирғизистон Республикаси таълим,**
**фан ва маданият вазирлиги тавсия қилган**

*Профессор О. Х. Худайбердиев таҳрири остида*

**Расм муаллифи: К. Жаныбаев**

**ЎШ – БИШКЕК Ш, 1998 Й**

ББК 22.1 я 721
М 34

**Ж. Н. Салахов, А. Ж. Бўрўнбаев, Ғ. Ф. Фозилов, М. Ж. Салахова**
Мусиқа: Б.: "Шам" 1998. 92 б.

Қўлингиздаги ушбу методик қўлланма, дастур ва уларга тааллуқли дарслик ҚИРҒИЗ — ЎЗБЕК УНИВЕРСИТЕТИ тасарруфидаги "ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ МАРКАЗИ" томонидан тайёрланди. Дарслик, дастур ва методик кўрсатма борасидаги фикр ва мулоҳазаларингизни УНИВЕРСИТЕТ раҳбариятига ёки "МАРКАЗ" маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

*Бизнинг манзил:*
*Ўш шаҳри, Исанов кўчаси, 79*

Дарслик, дастур ва методик кўрсатманинг сифатли ва мукаммал бўлишига қимматли фикрларини қўшган ва ҳомийлик қилган Қирғизистон Республикаси ўзбеклар миллий-маданий марказига ва Н. Зиядинова, Х. Рўзибоева ўртоқларга муаллифлар гуруҳи ўз миннатдорчилигини изҳор қилади.

М $\frac{4306020500}{М\ 455(11)-98}$ 123—1998 ББК 22.1 я 721

***Шартли белгилар:***

 — мусиқа тинглашни ўрганинг

 — изланиш ишораси —"топингчи"

 — қисқа товуш

 — узун товуш

ISBN 5-7499-0121-1
© "Шам" нашрёти 1998





## Иқбол тонги
### (Тинглаш учун)

Иқбол тонги отди, чиқди қуёшинг.
Эркин нафас олар бағрингда инсон.
Энди кўрмагаймиз ғаму, кўз ёшин.
Халқ учун бу қувонч бир олам жаҳон
Истиқбол муборақ, жон Қирғизистон!

Излаганин топган боладай эл шод.
Ўтмишни қилурлар эртак каби ёд.
Эркин эл тўйига айланди ҳаёт.
Бу олий иқболдир, бу туганмас шон.
Истиқбол муборак, жон Қирғизистон!

Энди бизни қўллар эр Манас руҳи,
Боболар орзусин сирли шукуҳи.
Мудом хилпирасин истиқлол туғи,
Яшна, завол кўрма энди ҳеч қачон.
Истиқлол муборак, жон Қирғизистон!



# Синфда мусиқа тинглаш



# Салом, мактаб



Салом, мактаб, жон мактаб,
Сени севаман мақтаб.
Бизга очиб қучоғинг,
Ёнингда гулзор — боғинг.

Мана, қўлимда китоб,
Ўқиш китоб, ҳам ҳисоб,
Шариллатиб ўқийман,
Билағон бўлай дейман.

Қалам, ручкам бор, мана.
Ёзаман дона-дона
Хатим бўлсин чиройли,
Кулиб турсин нақ ойдек.

Салом, мактаб, жон мактаб,
Қўшиқ айтаман мақтаб.
Мен ҳам белча ушлайман,
Гул боғингда ишлайман.

Расмнинг жойланинишига қараб ашуласини айтинг.



*1- машқ. Икки катакни бир- бирига қўшиб тик чизиқ чизишни ўрганинг.*





Ўтириб ашула айтганда қўлларингизни тиззага қўйиб тўғри ўтиринг.



Тик туриб ашула айтганда қўлларингизни ёнга тушириб тўғри туринг.

## Товушларни айтганда оғиз шундай очилади:




*2 - машқ. Катак чизиғига тўғри чизиқ чизишни ўрганинг.*

# Күздө



Колхозумда алма
Кооз, кызыл анда
Терели, терели
Бол чамда.

Коон-дарбыз бизде,
Койдой жайнайт күздө.
Бышырбай, чийкисин
Сен үзбө!

*3 - машқ. Чизиқ устидан ярим ой шаклини чизишни ўрганинг.*



# О л м а



Боққа кирсам олмалар,
Қип — қизариб пишибди.
Силкитибди шамоллар,
Ерга тўп-тўп тушибди.

Мазасини тотаман,
Аъло эрур қанддан ҳам.
Бундай ширин олмани,
Мен кўрганман камдан-кам.

Ҳавас билан ҳар бирин
Олиб кўрдим қўлимга.
Олтин каби кўринар
Улар менинг кўзимга.

Меваларнинг уруғин
Экинг, асранг, ўртоқлар
Келажакда улардан
Яратилар гулбоғлар.



Боқ-қа кир-сам ол-ма- лар

Расмнинг жойланинишига қараб ашуласини айтинг.

*4 - машқ. Чизиқ остидан ярим ой шаклини чизишни ўрганинг.*



## Ок теракми, кўк терак

Оқ теракми, кўк терак?
Биздан сизга ким керак?
Кичик Салима керак.

*(Ўзбек халқ қўшиқларидан.)*



Қўшиқ сўз ва қувноқ ўйинлардан иборат бўлади.



Хор бўлиб ашула айтганда тик турилади.
Қизлар олдинда, ўғил болалар эса орқа қаторда турадилар.



Сурнайдан баланд ва ингичка товуш чиқади.

Карнайдан баланд ва йўғон товуш чиқади.

Болалар товуши ингичка, катталар товуши йўғон бўлади.

# Ёдингизда бўлсин.

Чўзилган товуш  белгиси билан юритилади.



Ҳар бир чолгу асбобининг ўзига ҳос ранг - баранг товуши бор.



*Ноталар беш ёндош чизиққа ёзилади. Бу ёндош чизиқлар нота йўли деб аталади. Ёндош чизиқлар пастдан юқорига қараб саналади.*

**5 - машқ.** *Чизиқнинг устидан ва остидан ярим ой шаклини бир - бирига қўшиб чизишни ўрганинг.*



## Пахтаой



Бизнинг кумуш пахтаой,
Даламизга сен чирой.
Тўлиб - тошдинг чаноққа,
Кулиб боқинг ҳар ёққа.

Н а қ о р о т:
Пахта - пахта, жон пахта,
Юртим сенга кон, пахта.
Юлдузлардек сочилиб,
Лўппи - лўппи очилиб,
Ўлкамизга файз берасан,
Дилни хушнуд этасан.

Н а қ о р о т:
Хирмонингдан  тоғ қилдик.
Кўнгилларни чоғ қилдик.
Сен бизнинг ғururимиз,
Сенда меҳнат - дуримиз.

Н а қ о р о т:

Ашула айтиш олдидан нафас олинг. Ашула айтаётганда сўз ўрталарида нафас олманг. Ашула сўзлари аниқ ва бурро бўлсин.

*6 - машқ. Биринчи ва бешинчи машқларни бир - бирига қўшиб ёзишни машқ қилинг.*



## Олмахан юқорига кўтарилмоқда



Товушлар ҳам пастдан юқорига кўтарилади.

*7 - машқ. Катаклар ичига чизилган думалоқ шакл ичини бўяшни ўрганинг.*



## Кара улак



Тик мүйүз, тик кулак.
Ай, ай караулак!
Секирип сен күндө
Кетесин жарулап.

Оптонуп, шоктонуп,
Койбойсун, токтолуп
Ыйлаттың энеңди,
Кыйлага жок болуп.

Мактанып жүргөндө,
Тобуңдан бөлүнүп.
Астыңдан карышкыр,
Чыкты эле көрүнүп.

Кармап жеп коёрдо,
Этине тоёрдо.
Койчу абам Суракмат,
Сактады, ыракмат.



*8 - машқ. Биринчи ва еттинчи машқларни бир - бирига қўшиб ёзишни машқ қилинг.*



## Ўқишни ўргандим

Алифбени энди мен
Ҳеч қийналмай ўқийман.
Ҳамма ҳарф ва хатларни
Жуда яхши биламан.

Беринг менга китобни
Дарров ўқиб бераман.
Янглиш қилмай, тутилмай
Ўзим ўқий оламан.



Қуйидаги ноталарни қараб, кузатиб сўзларини айтинг:



# Қирғиз халқ чолғу асбоблари



## Қўғирчоғим аллаё

Қўғирчоғим, қўғирчоқ
Сенсан менга овунчоқ.
Майин кулиб боқасан
Сен - ла доим вақтим чоғ.

Сўзлар топдим алламга,
Сени мақтай оламга.
Ухламасанг агар сен,
Айтиб берай аямга.

Қўғирчоғим, аллаё,
Овунчоғим, аллаё.



*9 - машқ. Нота йўлида қуйидаги шаклни чизишни ўрганинг :*



# Олмахон юқоридан пастга тушмоқда



Товушлар ҳам юқоридан пастга тушади.

*10 - машқ. Нота йўлида қуйидаги шаклни чизишни ўрганинг.*





Композитор мусиқа яратади.



Шоир шеър ёзади.

## Қувноқ ғозлар

Кампирда бор эди
Иккита қувноқ ғоз:

Бири кул ранг,
Бири оқ ранг -   (2 марта)
Иккита қувноқ ғоз.



Ўқитувчи айтаётган ашулани тингланг.
Чўзилиб айтиладиган товушларни аниқланг.

Н о т а л а р н и кузатиб, сўзларини айтинг.



## Аҳмаднинг қушчаси

Аҳмад қушларга дон бериб, уларни чақирди:



Қушчалар жавоб қайтаради:




"Қушча, қайдасан?" сўзларини Аҳмадга ўхшатиб айтинг.
Қушчанинг "учиб ўйнайман" деган жавобини қайтаринг.



Қуйидаги ноталарни кузатиб, сўзларини айтинг:





Ғозлар зиналардан юқорига кўтарилмоқда ва пастга тушмоқда.

Ноталар ҳам беш ёндош чизиқда баланд — паст ёзилади.



Ноталар чизиқ ораликларига ҳам ёзилади.



# Мусиқа турли чолғу асбобларида чалинади



*Солист - яккахон ашулачи ва созанда*



Оркестр турли чолғу асбобларида чалувчи кўп созандалардан тузилади.

Мусиқадаги товушлар қуйидаги номлар билан юритилади:

*ДО - РЕ - МИ - ФА - СОЛЬ - ЛЯ - СИ*




ДО
СИ
ЛЯ
СОЛЬ
ФА
МИ
РЕ
ДО



Булардан қайси бири "А" товушини, қайси бири "У" товушини айтмокда?

Беш товушни пастдан юқорига айтамиз:

Катта қилиб ёзилган нота номларини чўзиб айтинг.

ДО РЕ МИ ФА СОЛЬ

Бу товушлардан қайси бири баланд? Баланд товушни қайтаринг. Беш товушни юқоридан пастга айтамиз:

Бу товушлардан қайси бири паст?

Паст товушни қайтаринг.

СОЛЬ

ФА

МИ

РЕ

ДО

# Тўхтағул САТИЛҒАНОВ — демократ оқин



Қирғиз халқининг атоқли куйчиси.

## Кайыгым

Жасап алдым кайыкты
Эки барак кагаздан.
Суусу тунук арыкта,
Кадимкидей бараткан.

Илип койсом желекче,
Кызыл гүлдөй жарашкан.
Таңыркашып досторум,
Таңданышып карашкан.

Кичинекей бөбөгүм,
"Мага бер" деп талашкан.
Өнөрүмдү ушундай,
Атам, апам жараткан.



3—2242

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ДО | ДО | РЕ | РЕ | МИ | МИ | ФА | ФА | СОЛЬ | СОЛЬ |

Машқларни айтамиз




Ҳар бир қатордаги катта қилиб ёзилган нота номлари бошқаларига қараганда каттиқроқ ва чўзиб айтилади.

Топинг - чи, ўқитувчи қайси машқни чалди?

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| СОЛЬ | СОЛЬ | ФА | ФА | МИ | МИ | РЕ | РЕ | ДО | ДО |

Машқларни айтамиз

айтинг: СОЛЬ

айтинг МИ

айтинг : ДО

Учта товушни кетма - кет айтинг : СОЛЬ

МИ

ДО

Шу машқни юқоридан пастга айтинг :

СОЛЬ

МИ

ДО

*11 - машқ. Тўққизинчи ва ўнинчи машқларни бир - бирига қўшиб ёзишни ўрганинг.*




**Калит**

Скрипка калитининг
айланма қисми нота
йўлининг иккинчи
чизиғини қамраб олади.
Иккинчи чизиққа
соль товуши ёзилади.

*Бу калит „соль" калити деб ҳам аталади.*

Скрипка калитини чиройли ёзишга ўрганинг.

## Арча қўшиғи

Чаман-чаман боғларнинг
Бизлар жамбил, райҳони.
Бизнинг қувноқ қўшиқлар
Жаранглатар ҳар ённи.

Салом сенга, кўк арча,
Қишин — ёзин яшнайсан.
Япроқларинг нинача,
Ясангансан, гўзалсан.

Атрофингни айланиб,
Қўшиқ айтиб қувнаймиз.
Ҳар биримиз қўл бериб,
Янги йилни қутлаймиз.



# Арча

Арча, кўм — кўк арчажон,
Безаклари зар — маржон.
Қизил, кўк, пушти чироқ,
Ёнар чиройли, бир боқ!

Янги йилни табриклаб,
Ҳаммамизни эркалаб:
"Бахтли бўлинг, болалар",—
Деди хурсанд оналар.

Залда хурсанд ўйнаймиз,
Қўшиқ айтиб яйраймиз.
Бахтиёр авлодингмиз,
Қушдек учиб қувнаймиз.



## Қорбобо

Шамол оппоқ қорларни
Қувиб, қувиб, хўп елди.
Бизга узоқ ўрмондан
Арча меҳмонга келди.

Қандай яхши қорбобо,
Қандай яхши қўғирчоқ.
Арчамизга ярашган
Турли — туман ўйинчоқ.



# Ўзбек халқ чолғу асбоблари





**Пианино**



**Рояль**

Рояль ва пианино бир хилда чалинади.



Бутуннинг тўртдан бири - ч о р а к бўлади.



Чорак нотани салмоқлаб "бир" саноғи билан ўқинг.



Чорак нотанинг чизиғи нота бошидан пастга қаратиб ҳам чизилади.

## Лайлак қор



Лайлак қору лайлак қор,
Лайлак қорга мен хумор.
Кийдирар кенг даламга,
Оқ ипакдан кўйлак қор.

Деҳқонларга тилак қор,
Пахтаойга керак қор.
Гоҳи мени қувалаб,
Кирар уйга тентак қор.

Расмнинг боришига қараб ашулани айтинг.

Пастга ёзилган нота паст эшитилади.

Композитор деб кимни айтамиз?

Нима учун нота йўлининг бошига калит белгиси қўйилади?

Скрипка калити билан соль калити ўртасида қандай фарқ бор?

*12 - машк. Икки катакдаги тик чизиққа байроқча шаклини қўшиб ёзишни ўрганинг.*



## Мусиқанинг уч асоси

Мусиқа,

Ашула,

Рақс:



*13 - машқ. Еттинчи ва ўн иккинчи машқларни қўшиб ёзишга ўрганинг.*





Пётр Ильич ЧАЙКОВСКИЙ
бундан 90 йил илгари яшаган улуғ рус композиторидир.

П. И. Чайковскийнинг "Болалар альбоми" дан



Ёғоч солдатлар марши.



"От - отакам" ўйини.



"Ялмоғиз кампир" ўйини.

Марш мусиқаси бир текис юришни ўрганишга ёрдам беради.




*Нота йўлининг пастки қўшимча чизиғига ёзилган нота "ДО" деб ўқилади.*

"ДО" НОТАСИ






Машкларни айтамиз:










*Ҳар бир қатордаги катта қилиб ёзилган нота номлари бошқа ноталарга қараганда қаттиқроқ ва чўзиб айтилади.*

# РЕБУС



Қуйидаги сўзларни топинг.












*Бутуннинг саккиздан бири - н и м ч о р а к бўлади.*



*Нимчорак нотанинг биттаси "Бир" санозида ўқилади.*



Нимчорак нотанинг чизиғи юқоридан пастга қаратиб ҳам чизилиши мумкин.



Нота йўлига ноталар ёзиш.

Чизиқларга



Биринчи чизиққа



Бешинчи чизиққа



Қуйидаги ноталар қайси чизиққа ёзилган?



?

Тўхтўғул Сотилғанов ким эди?
Тўхтўғул Сотилғановнинг қайси мусиқасини эшитгансиз?
Билган ашулаларингиздан бирини айтиб беринг.

# Нота йўлига ноталар ёзиш

Чизиқлар оралигига



Биринчи ва иккинчи чизиқ оралигига



Тўртинчи ва бешинчи чизиқ оралигига



Ноталар биринчи чизиқ остига ҳам ёзилади



Пастги қўшимча чизикдаги нота шундай ёзилади:



Юқори қўшимча чизикдаги нота шундай ёзилади:



?



Булардан қайси бири "И" товушини, қайси бири "О" товушини айтмокда?

*Ҳар бир ашулани овоз билан айтиш ёки турли чолғу асбобида чалиш мумкин.*

Қуйидаги мисоллардан юқори, паст ва бир турли баландликда эшитиладиган товушларни аниқланг.

## Аълочи ўқувчи

Оқ дафтарда беш баҳо,
Кўк дафтарда беш баҳо,
Аълочи ўқувчининг
Одоби ҳам бебаҳо.

Сўзга қулоқ солади,
Дарсин ўқиб олади.
Тушунмаса қайтадан,
Англаб ўқиб олади.

Уй ишига қарашар,
Сборларда қатнашар.
Билмай қолса бир дўсти,
Унга ҳам ёрдамлашар.

Оқ дафтарда беш баҳо,
Кўк дафтарда беш баҳо.
Аълочи ўқувчининг
Одоби ҳам бебаҳо.





### Чумчуқча

Ҳай, ҳай чумчуқ, жажжи қуш,
Шохда турма, пастга туш.
Эртаю кеч тинмайсан,
Чарчаш нима билмайсан.

Чирқиллайсан излаб дон,
Мана, чумчуқ, сенга нон!
Қорнинг тўйса, айтарсан!
Сўнг уйингга қайтарсан!



Бутуннинг тўртдан бири нимага тенг?
Иккита нимчорак қўшилса нимага тенг бўлади?




НОТАСИ

*Нота йўлининг биринчи чизигига ёзилган нота "МИ" деб ўқилади*

**Хат ёзаман дўстимга**

Қалам олиб қўлимга,
Яқин тутиб кўнглимга,
Келтириб кўз ўнгимга,

Маъно излаб сўзимга,
Хат ёзаман дўстимга.

Ўқишларим соз дейман,
Бу билганим оз дейман,
Вақтида хат ёз, дейман.

Топ - тоза коғозимга
Хат ёзаман дўстимга

Хатим-юрак кўзгуси.
Яхшиликдир орзуси,
Яшар дўстлик туйғуси.

Шайман ҳурмат - таъзимга,
Хат ёзаман дўстимга.





# РЕБУС



Қуйидаги сўзларни ўқинг









*"ФА" нотаси нота йўлининг биринчи ва иккинчи чизиқлари орасига ёзилади.*

НОТАСИ




**Гулдек яшнар болалар**



Жарангли қўшик янграр,
Ҳур дунё бўйлаб, бўйлаб.
Қувнар бахтли болалар,
Тинчликни куйлаб, куйлаб.

Тинчлик — сўзи оламда
Янграсин доим, доим.
Она гўдак аллалар
Куйлаб мулойим, доим.
Гулдек яшнар болалар,
Соғ — омон ўсар, ўсар.
Жаҳон халқи урушнинг
Йўлини тўсар! Тўсар!

Нота йўлида "ФА" нотасини ёзишни машқ қилинг, лекин чизиқдан ташқари чиқманг.

# Р Е Б У С



Қуйидаги сўзларни ўқинг





ртук



нер



лияси





брика



рида



# Нота нормаларини оҳанг билан айтинг



Бу машқларда бир хил товушлар бир неча марта такрорланмоқда. Такрорланувчи товушларни бир хил баландликда айтинг, айтганда чорак ва нимчорак ноталарга аҳамият беринг.



Учта товушни кетма-кет айтинг



# Паровоз

Паровоз, паровоз,
Нима дейсан қорақўз?
Карнайингни чал, тинглай,
Дуд! Дуд! Дуд! Дуд!



## Биз бактылуу балдарбыз

Аралашып гүл менен
Кызыл гүлдөй гүлдөгөн.
Биз бактылуу балдарбыз.
Кайгы капа билбеген.

Күндө күлүп ойногон,
Ыр күлкүгө тойбогон.
Биз бактылуу балдарбыз,
Келечекти ойлогон.



Қуйидаги оҳангларни нота номи билан айтинг



Чорак ва нимчорак ноталарни ажратинг
Энг узун нота қайси?
Энг қикса нота қайси?
Энг баланд товуш қайси?
Бу расмга хос қандай ашула айтгансиз?



Баланд товушни нота номи билан айтинг. Биринчи ва учинчи машқларни нота дафтарингизга чиройли қилиб кўчиринг.

## Бувижоним, Бувижон

Оқ пахтадай сочингиз,
Омон бўлсин бошингиз.
Айта қолинг, бувижон,
Ҳозир қанча ёшингиз?

Сўзларингиз хўп қизиқ
Юзингиз нега чизиқ?
Ачомласам, бувижон,
Бағрингиз мунча иссиқ?

Дадамларни боққансиз,
Ойимларга ёққансиз.
Топишмоғу, эртакка
Бувижоним, чаққонсиз!



Қуйидаги оҳангларни нота номи билан айтинг



Чорак ва нимчорак ноталарни ажратинг
Энг узун нота қайси?
Энг қиқса нота қайси?
Энг баланд товуш қайси?
Бу расмга хос қандай ашула айтгансиз?



Баланд товушни нота номи билан айтинг. Биринчи ва учинчи машқларни нота дафтарингизга чиройли қилиб кўчиринг.

## Бувижоним, Бувижон

Оқ пахтадай сочингиз,
Омон бўлсин бошингиз.
Айта қолинг, бувижон,
Ҳозир қанча ёшингиз?

Сўзларингиз хўп қизиқ
Юзингиз нега чизиқ?
Ачомласам, бувижон,
Бағрингиз мунча иссиқ?

Дадамларни боққансиз,
Ойимларга ёққансиз.
Топишмоғу, эртакка
Бувижоним, чаққонсиз!





Волъфганг МОЦАРТ
1756—1791 йилларда яшаган австриялик улуғ композитордир.

Эсингиздами, булар ким?





Бу композиторларнинг қандай мусиқаларини тинглаган эдингиз? Бу композиторлардан қайси бири сизларга хос мусиқа ёзган?

Айтинг - чи, булар қандай чоғлу асбобларида чалишмокда?



# Бахор вальси



# Ёмғир ёғалок

Ёмгир - ёғалоқ,
Ям - яшил ўтлоқ.
Энди экинлар,
Чиқарар қулоқ.





Ариқлар тўлар,
Зўр анҳор бўлар.
Сув сероб экан,
Кўп пахта унар.

Айтинг - чи, ўқитувчи қуйидаги икки мисолдан қайси бирини чалди?








*Нота йўлининг биринчи чизиғи остига ёзилган нота "РЕ" деб ўқилади.*

НОТАСИ

Биздан сизга ким керак?

Қизлар:

Қўзичоқдек сакрашиб - сакрашиб.
Дикир - дикир ўйнаймиз - ўйнаймиз
Эркин қушдек яйрашиб - яйрашиб,
Шўх - шўх қўшиқ куйлаймиз - куйлаймиз.





Болалар: "Гулчехра керак".

Болалар:

Майсазорда жўш уриб, жўш уриб,
Гижинглаган тойчоқмиз, тойчоқмиз.
Бир майизни қирқ бўлиб, қирқ бўлиб,
Еганлардек иноқмиз, иноқмиз.

Қуйидаги сўзлардан ребус тузинг: дори, ремонт, доҳий.

## Баҳор гуллари



Атроф ям-яшил
Баҳор чоғида.
Ўсибди гуллар
Ватан боғида.

Баҳорни мақтаб
Қушлар сайрайди.
Баҳор қўйнида
Барча яйрайди

Гуллар сайлига
Қувнаб еламиз.
Тўйиб ҳуснидан
Ўйнаб куламиз.

Саволларга жавоб беринг.

Мусиқани ким ёзади? Қайси композиторларни биласиз? Рус композитори П. Чайковский ҳақида нималарни айтиб бера оласиз?

# Р Е Б У С

Қуйидаги шеърни ўкинг








# ЛЯ НОТАСИ

"ЛЯ" нотаси нота йўлининг иккинчи ва учинчи чизиқлари орасига ёзилади. "Бойчечак" ашуласи "ЛЯ" нотасидан бошланган.

Нота йўлида "ЛЯ" нотасини ёзишни машқ қилинг.

Сизга таниш бўлган қуйидаги ашулани нотаси билан айтинг.








# Ля-ла РЕБУС

Қуйидаги шеърни ўқинг:

Ойдин, Лола ғоз бўлди,

Ўйини  з соз бўлди.

Зокир оч тулки бўлди,

Ғозларни кутиб турди.






Қуйидаги расмларга хос қандай мусиқа тинглагансиз?

Бу мусиқани ким ёзган?



Расмларга қараб мусиқа номларини аниқланг. Ўқитувчи булардан қайси бирини чалди?

Сизга таниш бўлган ашуларни аниқланг ва нотаси билан айтинг.







## Товуш чиқариб айтинг







Юқоридаги ноталарнинг жойланишини ёдланг.
Чорак ва нимчорак "РЕ" ноталарини ёзишни машқ қилинг.

## Жан апам



Апам, апам, жан апам
Күтөм сени жанатан.
Туулган күнүң экенго,
Календарды карасам.

Конфеттерден көйнөгүң
Көп-көп жыйнап жүрөмүн.
Андан кооз гүл жасап,
Үйдүн ичин гүлдөдүм.

Иккинчи чизиққа ёзилган нотанинг номи нима?
Шу нотани товуш чиқариб айтинг.



"Ми" товуши нота йўлининг қайси чизиғига ёзилади?
Чорак чўзимидаги "Ми" нотасини ёзишни машқ қилинг.



Пастдаги ёрдамчи чизиққа ёзилган нотанинг номи нима?

## Кичкинтой гулчимиз

Гул кўчат экиб,
Гулзор яратдик.
Парвариш этиб,
Шох - барг таратдик.

Ғунчалаб ҳар шох,
Очилди тўп - тўп.
Қизил, сариқ, оқ,
Ҳар хил гуллар кўп.

Мана, жон ўртоқ,
Тердик даста гул.
Товланар ҳар чоқ,
Завқ олар кўнгил.

Кичкинтой, моҳир -
Гулчи барчамиз.
Гул билан ахир,
Гўзал боғчамиз.



Иккинчи ва учинчи чизиқ оралиғига ёзилган нотанинг номи нима?

Шу нотани товуш чиқариб айтинг.





Ю. РАЖАБИЙ
атокли созанда ва бастакордир.
Ўзбек халқ мусиқаларини тўплашда
унинг хизмати ниҳоятда катта.

## Май келди

Май, май, май келди,
Жаркыраган ай келди.
Жердин баары гүлдөгөн,
Булбул сайрап үндөгөн.

Ай, ай, гүлдөрү,
Аземденет түрлөрү.
Бутагында булбулдун,
Безеленет тилдери.






*Нота йўлининг учинчи чизиғига ёзилган нота "СИ" деб ўқилади.*

НОТАСИ

Ребус

Қуйидаги шеърни ўқинг

Китоб, дафтар  ёҳ ва қалам

Булар бари менинг йўл  шим



**Топишмоқ**

Икки тола сочи бор,
бўйи билан баробар.

Бош  з - ун  бор қулоғи,
у шодликнинг ўртоғи.



Қуйидаги сўзлардан ребус тузинг:
олади, синф, мисол, Фарида, фамилия, синиқ, донсиз.

Айтинг - чи:

Ре, Ми, Фа, Соль, Ля ноталари қаерга ёзилади?







Ўқитувчи қуйидаги икки мисолдан қайси бирини чалди?



# Булбулга





## Р Е Б У С

Бу шеърни ўқинг.

Булбул боғда  имо,

очайлик деб тўгарак. 

 жа тузганда но,

кўплар парвойи  лак.



Қуйидаги шеърдан ребус тузинг:
Эшитинг, фақат қушлар,
юришиб кетса ишлар,
ғоз бўлади карнайчи
чумчук бўлар сурнайчи.

## Тойчоғим



Саман тойчоқ
Хурсанд ҳар чоқ.
Пешонаси
Қордай оппок.
Саман тойчоқ.

Кун оралаб
Ювиб тараб,
Ўстираман
Боқиб - қараб.
Саман тойчоқ.

Йўртиб юрар,
Кишнаб турар.
Гижинглатиб
Бўйнин бурар.
Саман тойчоқ.

"Чуҳ"! десам гар,
Гўёки пар
Тоғу тошдан
Учиб ўтар.
Саман тойчоқ.




*Нота йўлининг учинчи ва тўртинчи чизиқлари орасига ёзилган нота юқориги "ДО" товушидир.*

## НОТАСИ

Паст ва баланд "ДО" лар оралиғидаги товушларни ёзинг.



### Ребус

Қуйидаги шеърни ўқинг

Юқори хо  л

Шараф - шони  з

Сен билан обод

Хона  ни  з




Товуш қаторининг юқорилашиб ва пастлашиб бориши.



## МУНДАРИЖА


Иқбол тонги . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 4
Синфда мусиқа тинглаш . . . . . . . . . . . 6
Салом, мактаб . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 8
Товушларни айтганда оғиз шундай очилади . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 9
Күздө . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 10
Олма . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 11
Ок теракми, кўк терак . . . . . . . . . . . . 12
Пахтаой . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 16
Олмахан юқорига кўтарилмокда . . . . . . . . . 17
Кара улак . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 18
Ўқишни ўргандим . . . . . . . . . . . . . . . . 19
Қирғиз халқ чолғу асбоблари . . . . . . . . . 20
Қўғирчоғим аллаё . . . . . . . . . . . . . . . . 21
Олмахон юқоридан пастга тушмокда . . . . . 22
Қувноқ ғозлар . . . . . . . . . . . . . . . . . . 24

Аҳмаднинг қушчаси . . . . . . . . . . . . . . . 25
Мусиқа турли чолғу асбобларида
чалинади . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 28
Тўхтағул Сатилғанов — демократ оқин . . . . 32
Кайыгым . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 33
Арча қўшиғи . . . . . . . . . . . . . . . . . . 37
Арча . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 38
Қорбобо . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 39
Ўзбек халқ чолғу асбоблари . . . . . . . . . . 40
Лайлак қор . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 44
Мусиқанинг уч асоси . . . . . . . . . . . . . . 45
Ребус . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 49
Нота йўлига ноталар ёзиш . . . . . . . . . . . 53
Аълочи ўқувчи . . . . . . . . . . . . . . . . . 55
Чумчуқча . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 56
Хат ёзаман дўстимга . . . . . . . . . . . . . . 57
Ребус . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 58
Гулдек яшнар болалар . . . . . . . . . . . . . 59
Ребус . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 60
Нота нормаларини оҳанг билан айтинг . . . . 61
Паровоз . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 62
Биз бактылуу балдарбыз . . . . . . . . . . . . 63
Бувижоним, Бувижон . . . . . . . . . . . . . .65
Бахор вальси . . . . . . . . . . . . . . . . . 68

Ёмғир ёғалок . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 69
Баҳор гуллари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 71
Товуш чиқариб айтинг . . . . . . . . . . . . . . 77
Жан апам . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 78
Кичкинтой гулчимиз . . . . . . . . . . . . . . . 79
Май келди . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 81
Топишмоқ . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 82
Булбулга . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 84
Тойчоғим . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 85

*Жасур Насихович Салахов*
*Ажимамат Жусупович Боронбаев*
*Гуламжан Фазилов*
*Муслима Жасуровна Салахова*

**МУСИҚА**

Учебник для 1 класса

**На узбекском языке**

Художник А. Бадахшанова

Худ. редактор *З. Мидинова*
Тех. редактор *В. Крутякова*

Босмахонага 17.04.98 берилди. Босишга рухсат этилди 17.07.98. Ф. 70x90¹/₁₆.
Ҳажми 5,75 босма тобоқ. 16 000 нусхада. Буйрутма № 2242 асосида.

Қирғизполиграфкомбинат
"Шам" нашрёти

720461 Бишкек Т. Суванбердиев кўчаси 102 уй